

Вилоят ҳокими Шўҳратбек Қўшақбоевич Абдураҳмоновнинг “Ўзбекистон - умумий уйимиз” шиори
остида ўтказилаётган дўстлик ва маданият фестивалининг
очиши маросимидаги маърузаси

Ассалому алайкум, семинар иштирокчилари! Азиз меҳмонлар! Ҳурматли юрtdошлар!

Бугун диёримизда қарор топган ўзбекона бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик, миллатлараро тотувлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Азал - азалдан ота - боболаримиз бошқа халқларга, элатларга нисбатан катта хайрихоҳлик назари билан қараб келганлар.

Турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик, иноқлик ва тотувлик масалалари Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Фарғоний, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк алломаларимизнинг ҳамиша эътиборида бўлган.

Дўстлик ва бирдамлик, миллатлараро тотувлик масаласи улар томонидан қаламга олинган энг муҳим омиллардан бири саналган.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнаётгани, жаннатмакон она Ўзбекистонимизнинг жумладан, жон Андижонимизнинг кундан-кунга равнақ топаётганининг замирида ҳам мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт кечираётган турли халқлар ва миллатларнинг ўзаро ҳурмат, тинчлик ва қардошликка асосланган тенгсиз меҳнати билан ҳисса қўшаётганлиги ҳеч кимга сир эмас албатта!

Ўтмиш аждодларимиздан ҳамда умуминсоний ғоялардан бизга мерос бўлиб қолган ана шу аҳиллик туфайли бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган 140 га яқин халқлар ва миллатлар бир-бирлари билан ёнма-ён оға-ини, опа-сингил, қон-қариндошдек иноқ ва ҳамжиҳат яшаб келмоқдалар.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар, 17 та диний конфессия, 2104 та диний ташкилот эмин-эркин фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро аҳиллик ва диний бағрикенгликнинг яққол намунаси эмасми?!

Ҳурматли анжумман иштирокчилари!

Юртбошимизнинг эзгу саъй - ҳаракатлари туфайли халқимизнинг миллий қадриятлари, “Наврўз” байрами билан бир қаторда аксарият халқларнинг азалий расм - русумлари, миллий байрамлари қайтадан тикланди.

Русларнинг “Масленица”, грузинларнинг “Ртвели”, хитойликларнинг “Чунцзе”, корейсларнинг “Оволь-Тано” ва “Соллар”, уйғурларнинг “Сайил”, болгарларнинг “Мартиница”, татарларнинг “Сабантўй” ва бошқа миллатларнинг миллий байрам ва айёмларининг ҳар йили кенг миқёсда нишонланаётгани бу мамлакатимизда миллий бағрикенгликдан ҳамда миллатлараро тотувликдан далолатдир.

Шунингдек республикамиздаги 20 та тилда оммавий ахборот нашрлари ва таълим муассасаларида 7 та тилда таълим олиб борилмоқда.

Бунга юртимиздаги халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ришталари мустаҳкам эканлиги, уларнинг тилига ва динига ҳурмат билан қараб келинаётганлигининг яққол намунаси дир.

Ҳурматли меҳмонлар!

Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган Уйғур, Корейс, Қирғиз, Арман, Рус миллий маданий марказлари бошчилигида вилоятимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳам бошқа юртдошларимиз қатори бир тану бир жон бўлиб, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда юртимизни обод ва кўркем, ҳар соҳада илғор вилоятга айлантириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги глоблалашув жараёнларида дунёнинг турли нуқталарида миллатлараро низолар, ирқий ва миллий келишмовчиликлар келиб чиқаётган, биродаркушлик, айирмачилик давом этаётган бир паллада юртимиздаги миллатлараро дўстлик ва қардошлик, диний бағрикенглик масаласи биз учун пўлат қалқон вазифасини ўтамоқда.

Жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб-униб келаётган ёш авлодни байналмилал руҳда тарбиялаш, уларда миллатлараро муносабат маданиятини шакллантириш, миллатчилик ва шовинизм сингари иллатлардан ҳоли этиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири саналади.

Азиз ҳамюртлар!

Турли миллат вакилларига нисбатан ҳурмат туйғусида бўла олишлик юксак маънавиятнинг энг мақбул кўринишидир. Миллий манманлик, гердайиш, бошқа халқлар ва миллатларни назар - писанд қилмаслик, миллатчилик халқимиз учун мутлоқо ёт тушунчалардир.

Озод ва обод Ватанни яратишда, жамият ҳаётини фаровонлаштириш ва эркинлаштиришда миллий тотувлик, халқлар бирлиги, миллатлараро жипслик ҳар доим бизга ҳамроҳ бўлсин!

Халқларимиз ўртасидаги мана шу иноқликка, дўстлик ва қардошликка кўз тегмасин!

Бахтимизга муҳтарам Юртбошимиз соғ ва омон бўлсин!

Тинч ва мусаффо осмон остида янгидан-янги ютуқларга, зафарларга эришишимизда Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат!